YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Биз биргаликда меҳнаткашларнинг овози ҳисобланамиз, меҳнаткашлар учун курашамиз. Биз бирлашсак, меҳнаткашлар ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қила оламиз. Бугунги кунда турли геосиёсий вазиятлар туфайли бу масала янада долзарблашди. Албатта, демократик қадриятлар деганда, умумбашарий ҳуқуқларнинг таъминланиши кўзда тутилади ва бу жараёнларда касаба уюшмалари ҳам иштирок этади.

**Люк ТРИАНГЛ,**
*Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси Бош котиби*


# Ishonch

2025-yil
9-yanvar
payshanba
№6
(5070)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri


# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси (ХКУК) аъзосига айланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар касаба уюшмаларига ҳам катта имкониятлар яратди.

Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг халқаро касаба уюшмалари ҳаракатида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, нуфузли халқаро касаба уюшмалари бирлашмалари билан ҳамкорликни кучайтириш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилди.

2024 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган ХКУКнинг навбатдаги Бош кенгаши мажлиси қарори билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси дунёдаги энг йирик касаба уюшмалари бирлашмаси аъзолигига 80 фоиздан ортиқ овоз билан қабул қилинди.

ITUC CSI IGB

Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси (ХКУК) (International Trade Union Confederation, ITUC) – дунёдаги энг йирик касаба уюшмалари бирлашмаси ҳисобланади. У ўз сафларига 163 мамлакатдан 200 миллион нафарга яқин аъзони бирлаштирган, унга аъзо ташкилотлар сони 340 та.

**ХКУК 2006 йилда Халқаро мустақил касаба уюшмалари конфедерацияси ҳамда Халқаро меҳнат Конфедерациясининг бирлашиши ҳисобига таъсис этилган. Таъсис конгресси 2006 йилнинг 1-3 ноябрь кунлари Вена шаҳрида бўлиб ўтган.**

**Бугунги кунда ташкилотнинг Бош котиби – Люк Триангл.** Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси Бош котиби раҳбарлигидаги юқори мартабали миссия 2024 йилнинг октябрь ойида мамлакатимизда бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқотни ривожлантириш борасидаги фаолияти билан яқиндан танишиб чиққан эди.

Конфедерация Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Европа Иттифоқи Комиссияси, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясига тўлақонли аъзоликка қабул қилиниши юқоридаги халқаро тузилмаларда Ўзбекистоннинг мавқеини илгари суришда Конфедерация салоҳиятидан фойдаланиш, Ўзбекистоннинг Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ҳамкор ташкилотлардаги мавқеини мустаҳкамлаш учун қўшимча имкониятлар яратади.



*Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясига аъзо мамлакатлар харитаси*



**2024 йилнинг октябрь ойида Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси делегацияси расмий ташриф доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаоллари билан учрашган эди.**

**Ушбу учрашув видеосини**
**ISHONCH.UZ**
**АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ПОРТАЛИНИНГ «TELEGRAM»ДАГИ РАСМИЙ КАНАЛИ орқали кўришингиз мумкин.**
**Сизга ҳам тавсия этамиз!**






«Ishonch» мухбири Машҳура Жўрақулова Жиззах вилояти Бахмал тумани Қора-Сув қишлоғидан фотоҳикоя тайёрлаб қайтди. Унда мухбирни мафтун этган «кумуш қорга бурканган навқирон тоғлар, узун тераклар ва яна қишнинг мўралаган қуёши» фотосуратларга муҳрланган. Ушбу QR кодни сканерланг ва **ishonch.uz** да Бахмалдаги қиш манзараларидан янада кўпроқ баҳраманд бўлинг.

## Куннинг муҳим воқеалари

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой жануби-ғарбидаги кучли зилзила оқибатида юзга яқин инсон ҳалок бўлгани юзасидан мамлакат раиси Си Цзиньпинга таъзия йўллади. У қурбонлар оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, жабрланганлар тезроқ шифо топишини тилади.

* * *

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳукумат раҳбарлари уч давлат чегаралари туташган нуқтада умумий чегара участкалари чизиғи масаласи бўйича учрашув ўтказди. Улар ушбу йиғилиш «халқлар ва мамлакатлар фаровонлиги йўлида минтақа тақдирини ўнлаб йиллар давомида белгилаб беришига» ишонч билдиришди.

* * *

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили»да амалга ошириш бўйича Давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди.

* * *

Ўзбекистон Марказий банки олтин-валюта захираларининг 2025 йил 1 январь ҳолатига қолдиғи юзасидан маълумотларни эълон қилди. Ҳисоботга кўра, 2024 йил давомида расмий захираларнинг умумий миқдори 34,56 миллиард доллардан 41,18 миллиард долларга ёки 19,1 фоизга ошган.

* * *

ТИВ раҳбари Бахтиёр Саидов ҳамда ЕИнинг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича янги тайинланган олий вакили Кая Каллас ўртасида илк телефон мулоқоти бўлиб ўтди. Томонлар бу йил Самарқандда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё – ЕИ саммитини интиқлик билан кутаётганини алоҳида таъкидлашди.

* * *

«Uzbekistan Airports» АЖ аэропортларида хизмат кўрсатилган йўловчилар сони 2023 йилда 10 миллион 409 минг 609 нафарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилда 30 фоизга ошди ва 13 миллион 500 нафарга етди.

**Прогнозга кўра,** Тошкент шаҳрининг Ялпи ҳудудий маҳсулоти **2025 йилда 8,0 фоизга ўсиб, 302,3 трлн. сўмга** ёки ўртача йиллик курсда ҳисоблаганда **22,5 млрд. долларга** етади.



# Сарҳисоб ва келгусидаги УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

**Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг 17-йиғилиши ва Кенгашнинг VI мажлиси бўлиб ўтди. Унда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши аппарати ходимлари, Кенгаш ҳамда Ижроия қўмита аъзолари иштирок этдилар.**

Йиғилишни Республика кенгаши раиси Нигора Алимжанова олиб бориб, тармоқ тизимида амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилди.

Таъкидландики, Республика кенгаши ва тармоқ тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан 1102 нафар пенсия ёшидаги ходим ва 921 нафар ходим юбилей саналари муносабати билан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ишламайдиган пенсионерлар ҳамда ногиронлиги бор шахслар, ўзгалар парваришига муҳтож собиқ ходимлардан 3031 нафарига, икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 912 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди.

Ходимларнинг 4308 нафар фарзанди учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қисман қоплаб берилди. Шунингдек, 2 мингга яқин кам таъминланган оилаларга ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга моддий кўмаклашилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 393 нафар иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабага ўқув шартномаси пуллари қисман тўлаб берилди. Республика кенгашининг аралашуви билан ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилиши кутилган ходимларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Меҳнат муҳофазаси йўналишида ҳам йил давомида 24 та корхона ва ташкилотда ўрганишлар жараёнида аниқланган 50 та камчиликдан 42 таси бартараф этилиб, 8 таси юзасидан тавсиявий тушунтиришлар берилди.

> **ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН 393 НАФАР ИҚТИДОРЛИ, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЧИН ЕТИМ ТАЛАБАГА ЎҚУВ ШАРТНОМАСИ ПУЛЛАРИ ҚИСМАН ТЎЛАБ БЕРИЛДИ. РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ АРАЛАШУВИ БИЛАН ҒАЙРИҚОНУНИЙ РАВИШДА ИШДАН БЎШАТИЛИШИ КУТИЛГАН ХОДИМЛАРНИНГ БУЗИЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ЙЎНАЛИШИДА ҲАМ ЙИЛ ДАВОМИДА 24 ТА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТДА ЎРГАНИШЛАР ЖАРАЁНИДА АНИҚЛАНГАН 50 ТА КАМЧИЛИКДАН 42 ТАСИ БАРТАРАФ ЭТИЛИБ, 8 ТАСИ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯВИЙ ТУШУНТИРИШЛАР БЕРИЛДИ.**

Ёшларни маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ва спорт мусобақаларига қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, «Раҳбар ва ёш ходимлар» учрашувлари, «Кимёвий таҳлил лаборанти» кўрик-танлови, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ва «Экотуризм» саёҳат дастурлари ташкил этилиб, спорт мусобақалари ўтказилди.

Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан «Кимё саноати ёш мутахассислари» илмий-интеллектуал форуми тармоқ тизимидаги корхоналарда меҳнат қилиб келаётган 200 нафар ёшни қамраб олди.

Республика кенгаши томонидан тармоқ тизимидаги олий ўқув юртларида аъло баҳоларга ўқиётган ва ёшлар билан ишлаш комиссияси фаоли бўлган талабаларга стипендия тайинлаш ва тўлаш мақсадида «Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши стипендияси» кўрик-танлови таъсис этилган бўлса, касаба уюшмалари куни муносабати билан «Биз соғлом ёш оиламиз» шиори остида оилавий спорт мусобақаси ташкил этилган.

Мустақиллик байрами муносабати билан тармоқ тизимидаги соҳаларда кўп йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари, «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйлари тарбияланувчилари, «Саховат» уйларида яшаётганлар ҳамда бошқа кўмакка муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш ишларига эътибор кучайтирилди.

Йиғилишда Кенгаш аъзолари кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва соҳани ривожлантириш юзасидан таклифларини билдиришди. Мажлисда эса тармоқ касаба уюшма ташкилотининг IV Қурултойини чақириш ҳамда Республика кенгаши ва Ижроия қўмитаси таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилиб, бир овоздан маъқулланди ва 2025 йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.



**Шавкат ТОИРОВ,**
*Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси*



## «Оқ кема»да қишки мавсум

**Мўйноқ туманидаги «Оқ кема» оромгоҳида Янги йилнинг илк мавсуми очилди. Ҳозир бу ерда 158 нафар бола етти кун давомида қишки таътилни мазмунли ўтказиб, турли тадбирларда қатнашяпти.**

Танлов ва мусобақалар, ривожлантирувчи тренинглар, фаол ўйинлар, маънавий-маърифий анжуманлар кичкинтойларнинг ижтимоий, ақлий ва жисмоний ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. «Салом, оромгоҳ», «Фестиваль», «Заковат», «Санъат ва истеъдод», «Она табиатни асраш», «Моҳир қўллар», «Халқлар дўстлиги», «Хайр, оромгоҳ!» каби номлар остида ўтаётган ҳар бир кун уларга олам-олам таассурот улашяпти.

**Гулюз ФАХРИДДИНОВА**

**«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ касаба уюшмаси томонидан «Йил аёли – 2024» танлови ўтказилди. Унга кўра, энг фаол олти нафар хотин-қиз турли шартлар бўйича ўзаро беллашди.**



## Иззатой Алимова «ЙИЛ АЁЛИ» дея эътироф этилди

Барча шартларни аъло даражада бажарган Марказий аналитик лабораториянинг 1-тоифадаги муҳандиси Иззатой Алимова «Йил аёли» дея эътироф этилди. Ғолиб ва барча иштирокчиларга комбинат касаба уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

Айтиш лозимки, комбинат касаба уюшмасидаги гендер тенгликни таъминлаш ва психологик муҳитни соғломлаштириш масалалари бўйича комиссия томонидан йил давомида хотин-қизлар билан «Агар меҳрга ҳайкал қўйилса, у, албатта, аёл шаклида бўлади» мавзусида давра суҳбатлари, «Очиқ эшиклар куни» ўтказиб борилди. Хотин-қизларни турли тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш мақсадида 100 та саволдан иборат сўровнома, махсус марафон ҳам ташкил этилди. Ушбу комиссия томонидан «Қизларжон» клуби ҳам ташкил этилиб, унинг низоми ишлаб чиқилган ва шу асосда турли тадбирлар, гендер тенгликни таъминлаш мақсадида семинар-тренинглар ўтказиб бориш мунтазам йўлга қўйилган.

**Вилоят ДАВЛЕТОВА,**
*«Олмалиқ КМК» АЖ ходимлари касаба уюшмаси кенгаши аппаратининг гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси*

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАХРИЙСИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ МИРҒИЁС ЗОИДОВ



**Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгаши собиқ раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор, жамоат арбоби Мирғиёс Аббосович Зоидов 95 ёшида вафот этди.**

М.Зоидов 1930 йил 13 май куни Тошкент шаҳрида туғилди. Тошкент педагогика институтини тарих мутахассислиги бўйича тамомлаб, меҳнат фаолиятини 1951 йилда мактабда ўқитувчиликдан бошлади.

Умри давомида халқ хўжалигининг турли соҳаларида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазири, Тошкент халқ хўжалиги институти, Тошкент педагогика институти ректори лавозимларида фаолият кўрсатиб, ўқув-услубий ишларни такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг халқаро алоқаларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди. У, шунингдек, жамоатчилик асосида Бутунжаҳон Тинчлик Кенгаши аъзоси, собиқ Иттифоқ Тинчлик Кенгаши раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Тинчлик қўмитаси ва Тинчлик жамғармаси раиси лавозимларида ҳам иш олиб борди.

Мамлакатимизда миллионлар ўйини бўлган футболни оммалаштиришда ҳам М.Зоидовнинг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, у Ўзбекистон футбол Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари сифатида фаолият юритган даврда футбол тарғиботига алоҳида эътибор қаратилиб, бир қатор спорт иншоотлари қурилди.

Бир қанча илмий монографиялар муаллифи, фан докторлари ва номзодларига илмий раҳбарлик қилган М.Зоидовнинг кўплаб шогирдлари иқтисодиётнинг турли тармоқларида мамлакатимиз равнақи йўлида муносиб меҳнат қилишмоқда.

М.Зоидовнинг касаба уюшмалари соҳасидаги фаолияти алоҳида ўрин тутади. 1964 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгаши раиси сифатида иш бошлаган М.Зоидов соҳадаги ўн беш йилга яқин раҳбарлиги даврида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, ходимлар муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий таъминот тизимида жамоатчилик назоратини ўрнатиш йўналишларида залворли натижаларга эришилди, ишчи-ходимларнинг мазмунли дам олишлари учун ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

У меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, тизимда санаторийлар, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари барпо этиш, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч шаҳарларида туристик меҳмонхоналар қуриш ишларига бош-қош бўлди.

М.Зоидовнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлиги сўнгги йилларда ҳам самарали давом этиб келаётган эди. У касаба уюшмалари фаолиятини ривожлантириш ва унинг жамиятдаги нуфузини ошириш борасидаги хизматлари учун 2022 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром» нишони билан тақдирланди.

Жонкуяр ва меҳрибон устоз, педагог олим, қолаверса, юртимизда касаба уюшмалари ҳаракатининг ривожига улкан ҳисса қўшган фидойи инсон Мирғиёс Зоидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жамоаси**

# Олам ва одам



## Ўтган йили Эронда 997 нафар маҳбус қатл қилинди

**Бу рақамлар Эрон мухолифати маълумотлари асосида тайёрланган. Ҳуқуқ ҳимоячиларининг фикрича, қатл қилинганлар сони анча юқори, чунки барча қатллар расман қайд этилмайди.**

Маълумотга кўра, ўтган йили қатллар сони 2023 йилга нисбатан 16 фоизга ошган. Қатл қилинганлардан 34 нафари аёл, 9 нафари эса вояга етмаган. Тўрт нафар эркак омма олдида қатл қилинган, қолганлари эса – қамоқхоналарда.



## Лукашенко: «Зеленскийга Беларусни урушга тортиш буйруғи берилган»

**Зеленский Беларусни урушга тортиш учун буйруқ олган. Бу ҳақда Беларусь президенти Александр Лукашенко маълум қилди, деб хабар беради БелТА.**

Унинг фикрича, агар Беларусь урушга аралашса, оғир вазият юзага келади.

– Биз давлат сифатида бунга дош бера олмаслигимиз мумкин. Шунинг учун ҳамма нарсани сабр ва қатъият билан амалга оширяпман. Худо ва черков бизга қандай ўргатган бўлса, шундай ишлаяпмиз. Биз ўз ишимизни қиляпмиз. Вақт ҳаммасини жой-жойига қўяди. Вақт ҳаммасига баҳо беради. Лекин биз барчасига дош беришимиз керак. Бизда диктатура бор деб айтаверишсин. Эшитиб қўйинг, Украинадагидек демократиядан Беларусдаги диктатура яхшироқ. Биз чидашимиз керак. Ҳеч қачон иккиланмаслигимиз керак, – деган Лукашенко.

## Трамп: Можаро сабаби – Байден маъмуриятининг ночорлиги



**АҚШнинг сайланган президенти Дональд Трамп Флоридадаги Мар-а-Лаго қароргоҳида ўтказилган матбуот анжуманида Украинадаги можаронинг бош сабабини Жо Байден маъмуриятининг ночорлиги деб атади.**

– Россия Украинага бостириб кирди, чунки улар бу йигитларнинг (Байден маъмурияти) ночорлигини кўрди. Улар нима қилаётганини билмайди. Аммо биз нима қилаётганимизни биламиз ва бунинг ҳаммаси тугайди. Бизда буюк армия бор, – деди Трамп.

У Украинадаги урушни ярим йил ичида тўхтатишга умид қилмоқда. Сайланган президентнинг таъкидлашича, Россия раҳбари у билан музокара ўтказишга тайёр, аммо бу музокаралар инаугурациядан сўнг ўтказилиши мумкин.

## Microsoft Ҳиндистонга 3 миллиард доллар сармоя киритади

**Microsoft келгуси 2 йил ичида Ҳиндистондаги булут инфратузилмаси ва сунъий интеллект имкониятларини кенгайтириш учун 3 миллиард доллар сармоя киритишни режалаштираётганини маълум қилди.**




Баёнотда Microsoft мамлакатнинг узоқ муддатли рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида келгуси 5 йилда сунъий интеллект бўйича 10 миллион кишига таълим беришни режалаштираётгани таъкидланган.

Шунингдек, Microsoft мамлакатдаги маълумотларни қайта ишлаш марказлари кампусларида булут инфратузилмаси ва сунъий интеллект имкониятларини кенгайтиришини маълум қилган. Компаниянинг Ҳиндистонда 3 та маълумотларни қайта ишлаш минтақаси мавжуд бўлиб, тўртинчи марказ 2026 йилда ишга тушиши мумкин.

**Мойиллик. Ишонч. Ҳарфий савод...** Марказида сўз сузиб юрган коинот маданиятини англаш ўқиш маданиятидир. **Ушбуни ўзлаштирмасдан ҳеч ким ҳеч нарса ёза олиши мумкин эмас.**

Ўлжас СУЛАЙМОНОВ






## «ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ»

**«Ishonch» газетасининг 2024 йил 14 декабрдаги сонида «Жавобини кутаётган саволлар» рукни остида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига «Маҳалла еттилиги қаерга қараяпти?» деган савол билан мурожаат йўллагандик. Унга қуйидагича жавоб олдик:**


Ishonch 3
Жавобини кутаётган саволлар
Янги тартибни ишга туширмоқчи, аммо...
Тиланчиларни ким назорат қилади?
Шундай йўлаб хато қилмаяпмизми?
Марказ қачон ростакамига маърифат тарғиботига бел боғлайди?
«Маҳалла еттилиги» қаерга қараяпти?
Жазога тортилганлар ҳақида ҳам билсак бўладими?
«Мушарраф» бўлган «ёлғончи»ни кўрайлик
Бўлажак кадрлар ўз ўрнини топа оладими?

Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сонли фармони билан маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган «маҳалла еттилиги» ташкил қилинди ва уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Жумладан, маҳалла раисига тўй-маросимларни исрофгарчиликларсиз ва ихчам ўтказилишини таъминлаш вазифаси юклатилди. Ушбу вазифани бажариш мақсадида маҳалла раиси раҳбарлигидаги Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси томонидан ҳар чоракда бир маротаба маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирларнинг аҳоли билан миллий қадриятлар ва урф-одатларни сақлаш, тўй-маросимларни ихчам ўтказиш бўйича учрашувлари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кенгашининг ва Олий Мажлис Сенати кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги «Тўйлар ва оилавий тантаналар, маъракa ҳамда маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2736-III-сонли Қўмита қарори билан Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги низом тасдиқланган. Унга кўра, маҳаллий кенгашлар, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги ва «Нуроний» жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда:

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш билан боғлиқ миллий ва диний қадриятларга, ахлоқ қоидаларига зид бўлган маросимлар, номақбул одатлар ва уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида тарғибот ишларини;

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги низом талаблари устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш йўлга қўйилганлигини маълум қиламиз.

**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Ж.ИНАГАМОВ**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Аслида биз мутасаддиларга бутунлай бошқа маънода юзланган эдик. Яъни уларга «Маҳалла еттилиги қаерга қараяпти, нега бундай муҳим муаммога лоқайдлик билан ёндашяпти», деган конкрет савол йўллагандик. Ҳатто бу бўйича қўшни мамлакатлар тажрибасини мисол келтиргандик. Аммо масъуллар ё саволни тўғри тушунишмаган ёки бизга шунчаки ҳисобот учун жавоб йўллаган, холос.*

*Бундан бошқа хулосага кела олмадик... Афсус!*

**Эълон**

Тошкент вилояти ИИББ томонидан 01.03.2022 йилда подполковник Ахмедов Файзулла Рахматуллаевич номига берилган пенсия гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.



## МУҲАНДИСЛИК СОҲАСИДА

# ДУАЛ ТАЪЛИМ:

## НАЗАРИЙ БИЛИМ ВА АМАЛИЙ ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

**Ўтган йилнинг июнь ойида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида барча муҳандислик олийгоҳлари ҳамкор корхоналарида кафедралар очиб, ўқув жараёнини босқичма-босқич дуал таълим тизими асосида ташкил қилиш вазифалари белгиланган эди. Хўш, уларнинг ижроси бўйича ҳозир қандай ишлар олиб борилялти? Дуал таълим тизими орқали муҳандислик кадрлари тайёрлашда қандай янгиликлар кутиляпти?**

Аксарият ёшлар ўқишни битириб корхона-ташкилотларга борганда, бирдан, ишга киришиб кета олмайдилар. Чунки профессионал фаолиятга тўлиқ мослашиш учун вақт ва тажриба талаб этилади. Бу жараён эса зарур билим, амалий кўникма ва малака асосида шаклланади. Яқин-яқингача ҳам ўқувчи-талабалар олий ёки касбий таълим муассасасида назарий билимларни кўпроқ эгаллаб, кам вақт ажратилган амалиётини корхона ва ташкилотларда ўтаётган эди. Шу боис ёшлар иш бошлашда айрим қийинчиликларга дуч келишаётганди.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида мутахассисларга эҳтиёж ортмоқда. Шу боис ривожланган мамлакатларнинг таълим тизими ўрганилиб, назарий билимлар билан бир вақтда амалиётни корхона-ташкилотларда ўтказиш имкониятини яратиш мақсадида ўқув жараёни дуал таълим тизимида йўлга қўйилмоқда.

Хўш, бу қандай тизим? Унинг аҳамияти нимада?

Дуал таълим ўқувчи ва талабаларга таълим олиш жараёнида мутахассислигига мос ташкилотларда малака ошириш имконини берувчи самарали тизимдир. Бу моделда ёшлар ҳафтанинг 4 кунини таълим муассасасида назарий билимлар олишга, қолган 2 кунини эса корхона ёки ташкилотларда амалиёт ўташ орқали амалий кўникмаларга эга бўлишга сарфлайди.

Дуал таълимда талабалар ҳақиқий иш муҳитига мослашиш имкониятига эга бўлишади. Уларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этиш мақсадида корхона томонидан тажрибали устоз бириктирилади. Бу тизим ёшларнинг профессионал ўсишига ёрдам бериш билан бирга, иш берувчилар учун тайёр кадрлар захирасини шакллантириш имконини яратади.

**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари Шоҳрух Далиев** тизим доирасида олиб борилаётган ишлар ва уларнинг аҳамияти хусусида қуйидагиларни айтиб ўтди:

– *2024-2025 ўқув йилидан бошлаб, талабаларда амалий кўникмалар ва касбий компетенцияларни шакллантириш мақсадида ишлаб чиқариш амалиёти такомиллаштирилиши белгиланди. Шу доирада ўқув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлар улуши 60 фоизга етказилгани талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштиришга қаратилган муҳим қадамдир.*

*Муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлайдиган республикамиздаги олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини дуал таълимда босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган. Бу жараён корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиб, бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташкил этилади. Ушбу ёндашув амалиётни ишлаб чиқариш жараёнлари билан янада яқинлаштириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга, талабаларимизнинг меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассис бўлишларига хизмат қилади.*

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**да дуал таълим тизими асосида талабаларни ўқитиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. 2023-2024 ўқув йилида 24 та таълим йўналиши бўйича 3- ва 4-курсларнинг 1646 нафар талабаси «Касб эгаси» дуал таълим тизими асосида ўқишга жалб этилди. Улар ҳамкорлик ўрнатилган 72 та корхонада касбий кўникмаларни шакллантириш мақсадида амалиётлар ташкил этилди. Бу жараёнда корхоналарнинг малакали мутахассислари талабаларнинг касбий кўникмаларини мустаҳкамлашга кўмаклашди.

Амалиёт ўташ даврида 206 нафар талаба ишга қабул қилинди ва ойлик маош билан таъминланди. Шунингдек, дуал таълимда таҳсил олган битирувчиларнинг 122 нафари амалиёт ўтаётган корхоналарда меҳнат фаолиятини давом эттираётган бўлса, қолган талабаларнинг кўпчилиги ўз яшаш ҳудудларидаги корхоналарда мутахассислиги бўйича ишлашмоқда.

2024-2025 ўқув йилида 78 та корхона билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди ва уларнинг 14 тасида мутахассислик кафедралари филиаллари очилди. Ҳозирги кунда ушбу корхоналарда 169 нафар талаба амалиёт даврида меҳнат фаолиятини ҳам олиб бормоқда.

**Бухоро муҳандислик-технология институти** ҳам қатор корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Айни пайтда 220 нафардан кўпроқ талаба дуал таълим асосида ўқимоқда. Жумладан, «Артел» корхонасида 160 нафар, Ғиждувон туманидаги «Парвоз Хумо Равнақ Транс» пахта-тўқимачилик кластерида 60 нафар ҳамда Бухоро шаҳридаги «Ипак йўли» банкида 24 нафар йигит-қиз ҳам ишлаб, ҳам амалиёт ўташяпти.

Бунда таълим муассасаси, талаба ва корхона ўртасида уч томонлама шартнома тузилган бўлиб, амалиёт даврида талабанинг мажбуриятлари, корхона томонидан озиқ-овқат, ётоқхона, транспорт, махсус кийим-кечак билан таъминланиши кўзда тутилган. Амалиёт даврида ҳар бир талаба учун «Устоз-шогирд» анъаналарига мувофиқ, мутахассис бириктирилади. У талабанинг амалиёт жараёнини назорат қилади ва ҳақиқий иш шароитида вазифаларни бажариш ва унда зарурий кўникмалар шаклланишига ёрдамлашади. Бу ёндашув ёшларни келгусида ўз мутахассислиги бўйича мустақил ишлашга тайёрлайди.

**Фарғона политехника институти**да ҳам дуал таълим ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу кунгача вилоятдаги «Fergana Global Textile», «Indorama Farg‘onaazot», «SMSHD TEX», «UzSangwoo», «HOTSTEMPING», «Farg‘ona neftni qayta ishlash zavodi» каби 73 та йирик ишлаб чиқариш корхонаси ва ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

2024-2025 ўқув йилида дуал таълимда амалиётларни ташкил этиш доирасида институтнинг 3302 нафар 3- ва 4-курс талабаси амалиётга жалб этилди. Ҳамкор корхона ва ташкилотларда институт мутахассислик кафедраларининг 44 та филиали ташкил этилган бўлиб, уларда 200 дан ортиқ малакали профессор-ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларнинг курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси мавзуларини шакллантиришда корхоналардаги муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечимларини излаб топишга йўналтириш орқали назария ва амалиёт уйғунлигини мустаҳкамлашга эришилмоқда.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг 106 нафар юқори малакали мутахассиси ўқув жараёнларига жалб этилди. Улар курс ишлари ва магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилиб, талабаларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беришмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш корхоналари ва институт ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Шундай қилиб, муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлашда олий таълим ташкилотларида амалиётлар дуал таълимда ташкил этилиши талабаларнинг назарий билимлари ва ишлаб чиқариш жараёнидаги амалий тажрибаларини уйғунлаштиришга қаратилган бўлиб, ўқув жараёни замонавий меҳнат бозори талабларига мос бўлишини таъминлайди.**

**Бунда талабаларнинг танлаган соҳаларидаги реал иш шароитларига тайёр бўлишлари таъминланади. Шу орқали битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга ва уларнинг иш берувчилар талабларига мувофиқ тайёрланишига эришилади. Ушбу ёндашув нафақат талабаларнинг шахсий ривожланишига, балки мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ҳам ҳисса қўшади.**



**Гулрухбегим ОДАШБОЕВА**
*«ISHONCH»*





# Олам ва одам

## Чегарада террорчилик ҳужумлари кўпайди

**Афғонистон чегарасида жойлашган Хайбер-Пахтунхва ва Белужистон вилоятларида сўнгги йилларда террорчилик ҳужумлари кескин ошди.**

Пуштун ва белуж этник гуруҳлар ҳуқуқлари ҳимоясини иддао қилаётган қуролли гуруҳлар мазкур вилоятларда Покистон хавфсизлик кучлари ва тинч аҳолига ҳужум уюштирмоқда.

Исломободнинг маълум қилишича, асосан Хайбер-Пахтунхвада ҳужумлар уюштирувчи Покистон «Толибон»и аъзолари Афғонистон ҳудудида жойлашган ва ўз ҳужумларини у ердан туриб ташкил қилмоқда. Бироқ Афғонистон ҳокимияти бу айбловларни рад этмоқда.





## Зилзила қурбонлари сони 126 кишига етди

**Хитойнинг Тибет автоном ҳудудида содир бўлган 6,8 магнитудали зилзила қурбонлари сони 126 кишига етди. Хитой ОАВ маълумотларига кўра, яна камида 188 киши жароҳатланган. Мингдан ортиқ бинога зарар етган.**

Зилзила 7 январь куни маҳаллий вақт билан соат 9:05 да содир бўлган. Унинг маркази Шигадзе шаҳри яқинидаги Тингри туманида жойлашган бўлиб, чуқурлиги 10 километрни ташкил қилган.

Қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда, уларга 1,5 мингдан ортиқ қутқарувчи жалб қилинган.

## Исроил Туркия билан урушадими?

**Исроил ҳукумати ташкил этган Нагель қўмитаси Туркия кучлари билан бевосита тўқнашув хавфи ортиб бораётгани хусусидаги ҳисоботни эълон қилди.**

Унда Туркия «Усмонли империяси таъсирини қайта тиклашга интилаётган» энг катта хавфлардан бири деб баҳоланган. Бу хавф ҳатто «Эрон таҳдидидан ҳам кучли» бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

«Сурия таҳдиди янада жиддий хавфга айланиши мумкин, чунки Туркия қўллаб-қувватлаётган кучлар минтақада беқарорликни келтириб чиқариши мумкин», дейилади ҳисоботда.

Ушбу таҳдидларни бартараф этиш учун замонавий қурол-яроғлар сотиб олиш таклиф қилинган.

Бошқа чора-тадбирлар қаторида мудофаа бюджети таркибини қайта кўриб чиқиш таклиф этилган: мудофаа бюджетининг 70 фоизи ҳужум операцияларига йўналтирилиши, мудофаа харажат-



ларини 9 миллиард шекел (2,48 миллиард АҚШ доллари)га ошириш режаси киритилган.

Биньямин Нетаньяху қўмита ҳисоботини изоҳлар экан, унинг Исроил келажагини таъминлайдиган муҳим йўл харитаси эканини таъкидлади.

## Канадага АҚШ таркибига кириш таклиф этилди

**Канада бош вазири Жастин Трюдонинг истеъфога чиқиши ҳақидаги баёнотга муносабат билдирар экан, Дональд Трамп Канадага яна бир бор бирлашиш таклифи билан чиқди.**

У Truth Social ижтимоий тармоғида (Трампга тегишли платформа) шундай ёзади: «Агар Канада АҚШ билан бирлашса, ҳеч қандай тарифлар бўлмайди, солиқлар сезиларли даражада камаяди ва улар Россия ҳамда Хитой кемалари томонидан келадиган хавфдан тўлиқ ҳимояланган бўлади. Бирга бўлсак, буюк миллатга айланамиз».



Трампнинг таъкидлашича, Канадада кўплаб одамлар АҚШнинг 51-штати бўлишни исташади.

Беҳбудийдан 200 дан зиёд илмий-публицистик мақолалар, 6 та дарслик, «Саёҳат хотиралари» китоби, «Васиятнома», «Падаркуш» номли пьеса мерос бўлиб қолди.



*Беҳбудий таваллудининг 150 йиллиги олдидан*



## БУЮК БЕҲБУДИЙ ФЕНОМЕНИ

# ҲУРРИЯТНИ КУЙЛАГАН ПУБЛИЦИСТИКА

4-мақола

1917 йилги февраль воқеаларидан кейин миллий озодлик ҳаракати ўз ҳолича намоён бўла бошлади. Жадид публицистлари, жумладан, Беҳбудий ҳам энди мухторият ҳақида бараллa ёзишга киришди. Унинг «Ҳуррият» газетасида чоп этилган «Бухоро воқеалари ва дафъи туҳмат», «Муҳтарам самарқандийларга холисона арз», «Иттифоқ керак», «Мурожаатнома», «Очлик балоси», «Қозоқ қариндошларимға очиқ хат», «Баёни ҳақиқат», «Ғалла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия» каби энг сара мақолалари шулар жумласидандир.

«Муҳтарам самарқандийларга холисона арз» мақоласи миллат олдида турган тўсиқни енгиб ўтиш лозимлигини тушунтиришга бағишланган. Февраль инқилобидан кейин ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетган пайтда зукко публицист нималар бўлаётгани ва берилган имкониятдан фойдаланиш йўллари хусусида фикр юритган:

*«Аҳли хабаранинг маълумидурким, эски ҳукумат замонида ҳар нимарса амр ва буйруқ ила бўлур эди. Халойиқнинг диний ва миллий ишларини ислоҳ ва ривожи тўғрисида қиладурғон ҳаракатлариға йўл берулмас эди. Ҳеч нимарса ҳукуматдан бежавоб ва изнсиз қилина олмас эди. Ҳозирда бўлса, Худойи таоло бизға ҳуррият берди. Диний ва миллий ислоҳот, тараққийимиз учун ҳаракат ва саъй этмоқға йўл очиқдур. Ҳурриятнинг тўртинчи ойиндамиз. Лекин биз самарқандийлар диний ва миллий ишларимизни ривож бермоқ учун ҳануз бир иш қила олмагандурмиз».*

Февраль инқилобидан кейин Самарқандда ҳам жамиятлар ташкил этилди, йиғилишлар, баҳслар бўлиб турди. Лекин халқнинг маънан тайёр эмаслиги ишнинг ривожига тўсқинлик қилди. Ёшлар билан кексалар ўртасида можаро чиқди. Беҳбудий айнан ана шу муаммони ҳал қилиш учун мазкур мақоласини битади. Унда, аввало, не сабабдан ихтилоф чиққанини очиб беради:

*«Ёшларнинг очган «Исломия клуби» ҳар кун уламо, савдогар ва аҳли касабадан бир неча дафъа тўлуб, бўшалуб эди. Ишлар яхши кетар эди. Умидлар қавий (кучли – **Ҳ.С.**) эди. Оядамизнинг яхши бўлушини истидолар қилур эдук. Аммо ишлар ва иттифоқлар узоқға сурилмади. Бир неча тажрибасиз ва тез ҳаракат ёшлар бир-икки нафар нафсониятға ботған ва ўлгунча тузолмайдурғон кишилар қадима иғво ва фасодни ўртаға солдилар. Натижада Самарқанд халқи иккиға бўлинди. Билкулли иккига эмас, юзға бўлуниб, халқнинг кўнгли совуб, баъзиларнинг сўз ва ҳаракатидан нафратланиб, тарқалиб кетдилар».*

Беҳбудий низо нима сабабдан келиб чиққанини эслатиб, самарқандликларни қайта иттифоқ тузишга чақиради. У ихтилофдан кейинги аҳволни кўрсатади. Барча аҳолини муросага чақиради, ялинади:

*«Эй, ҳазрати уламо! Эй тужжор, аҳли касаба ва ағниё! Эй, ғайратлик ёшлар! Нифоқ ва бир-бириға душманликни ташлангиз. Худо ҳаққи, арвоҳи анбиё ҳурмати ва бу кунларда қорнини тўйғазолмайтурғон фақира, етим ва бевалар ҳаққи бир-бирингиз ила иттифоқ этуб, жамиятлар барпо қилуб, холиқ Худонинг нафъиға, дин ва миллат йўлига хидмат этингиз. Миллат ва халқ сиздан хидмат ва яхшилик талаб этадур. Нафсоният ва ғурур эмас».*

Беҳбудий йигирма йиллик ҳаракатнинг самараси оз бўлганини, бунинг учун барча бирлашиб, ҳамфикр бўлиб курашиши лозимлигини, акс ҳолда, келажак авлоднинг қарғишига қолишини айтади:

*«Азиз ҳамшаҳарларим, мўътабар аҳли ватаним, ҳаммангиз бир бўлуб, халқ ва диннинг ривожи учун бирлашуб, орадаги нафратларни ташлаб, Худонинг берган ҳуррият неъматидан нафъиланмоқ ҳаракатида бўлмоқ керак ва алан бизнинг бу ҳаракатсизлигимиз биздан ҳурриятни кеткуриб яна бошқаларға бизни асирлик даражасига тушурур ва юз йиллар ила кейин кетармиз ва бизнинг авлодимиз ҳамда халқи олам бизга раҳмат ўрнига лаънат ўқурлар».*

Валийлар ҳар бир ишнинг хулосасини, натижасини аввалдан кўра олганлар. Беҳбудийни ҳам шундай кишилар тоифасига қўшгимиз келди. У агар ҳурриятни қўлдан бериб қўйсак, асосан уч хил воқеа содир бўлишини айтади: «бизни асирлик даражасига» туширади (аслида ҳам тушдик), «юз йиллар ила кейин кетармиз» (70 йил ўтди), «авлодимиз ҳамда халқи олам... раҳмат ўрниға лаънат ўқурлар», яъни ота-боболарни биз унчалик айбламасак-да, улардан ҳам хато ўтганини англаймиз. Бу хулосалар аҳли донишларга хосдир.

«Баёни ҳақиқат» мақоласи ҳам шу фикрларни қувватловчи оҳангда битилган. Беҳбудий бу мақоласида ўша пайтнинг энг машҳур гапини ёзади:

*«Билмоқ керакки: ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат, мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи динийя ва сиёсийясини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади. Дунё жиҳодгардир. Жиҳод жаҳд ва жиҳодани шакли ҳар замонда бошқа бўлур... Ҳозирги бизни жаҳд ва жиҳодамиз илм ила фикр, газет ва басират ҳамда иттифоқлик ила бўлур».*

Беҳбудийнинг «Туркистон мухторияти» сарлавҳали мақоласи Қўқондаги воқеаларга бағишланган бўлиб, ўзининг тили билан айтганда, *«27 ноябрда Ҳўқандда Туркистон мухторияти умумий мусулмон сиездида эълон қилинди. Муборак ва хабарли бўлсин! Камина ҳам мажлисда бўлиш учун ифтихор этаман. Яшасун Туркистон мухторияти!».*

Ушбу мақоланинг аҳамияти шундаки, уни ўқиган киши ўша даврнинг қайноқ нафасини туяди, воқеалардан хабардор бўлади. Шунингдек, унда Беҳбудийнинг ҳаяжони сезилиб турибди.

Большевиклар таҳликаси кучайиб бораётган пайтда эса Беҳбудий «Қозоқ қариндошларимға очиқ хат» мақоласини ёзади. Мақола мурожаатнома тариқасида бўлиб, Ўрта Осиё бўлиниб кетиши мумкинлигидан ташвишланиб битилган:

*«Азиз қариндошларим! Мусулмон биродарлар! Ҳамангизға маълумдурки, Туркистон қозоғи, қирғизи, ўзбеги, туркмани, татари – ҳаммаси мўғул-турк болалари ҳамда жаҳонгир Чингизхон ва Темурнинг авлоди ёки оға-инидурлар. Туркистондаги араб, хўжа ва сайидларда ўз тилларини йўқотиб, билкулли турклашиб ва ҳатто арабликларини эсдан чиқориб, сиз турк ва мўғуллар ила ҳар жиҳатдан бирлашиб кетгандурлар. Туркистоннинг энг оз шаҳарларида ва баъзи тоғларида бир оз форс, яъни тожиклар борки, алар ҳам камоли мусулмон ва сиз ила ҳаммазҳабдурлар. Тирикчиликларининг ўзбеклардан фарқи йўқ даражададур. Бовурлар! Билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва сиз билингки, ҳақ олинур, лекин берилмас. Инчунин, мухториятда олинур, лекин берилмас».*

Беҳбудий мазкур тарихий вазиятдан тўғри фойдаланиш кераклигини айтиб, бунда қандай урф ёки одат бўйича яшаш масаласини кейинга суриб, ҳозирча мухториятни сақлаб қолиш шартлигини, вақт ўтгач, пушаймонликдан фойда бўлмаслигини тушунтиради.

*«Агарда сиз, қозоқ биродарлар, турғун халқидан ажралиб, ўзга мухториятдан насиб бўлмас, азбаски, куч тарқалур... Чироқларим! Бошқа халқлар, масалан: серблар, италянлар, арманлар, славянлар, поляклар ва бошқалар, ҳатто дунёнинг у бир учидаги қариндошлари ила бирлашур эканлар. Бошқа катта ва қувватлик давлатларга тобеъ бўлиб, йутулуб, ҳатто тилини йўқотган ўз жинсдошларини ажратиб олиб, бирлашмоқға жон ва кучларини сарф этар эканлар. Биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрилсак – уятдур, аҳмоқликдур. Турк томуриға болта урмоқликдур».*

«Ҳуррият» газетасида тинимсиз ёзган Беҳбудий Туркистон мухторияти қонга ботирилгандан сўнг анча фурсат матбуот саҳифаларида кўринмайди. Тўкилган қонлар, янги либос кияётган мустамлакачилик уни яна тушкун аҳволга солиб қўяди. Бу орада «Ҳуррият» газетаси ҳам ёпилиб, унинг ўрнида «Меҳнаткашлар ўқи» *(бир оз фурсат ўтгач «ўқи» сўзи ўрнига «товуши»ни қўйишган)* газетаси чоп этила бошлайди. Бу газетада Беҳбудийнинг «Анжумани маориф» жамиятидаги фаолияти билан боғлиқ хабарлар чоп этилган. Сиёсат кундан-кун большевиклар томонга ўзгараверган. Улар давлат тузумини ўзгартиришда, жумладан, фармонлар беришда ҳам жуда пала-партиш иш юритишган.

> **ВАЛИЙЛАР ҲАР БИР ИШНИНГ ХУЛОСАСИНИ, НАТИЖАСИНИ АВВАЛДАН КЎРА ОЛГАНЛАР. БЕҲБУДИЙНИ ҲАМ ШУНДАЙ КИШИЛАР ТОИФАСИГА ҚЎШГИМИЗ КЕЛДИ. У АГАР ҲУРРИЯТНИ ҚЎЛДАН БЕРИБ ҚЎЙСАК, АСОСАН УЧ ХИЛ ВОҚЕА СОДИР БЎЛИШИНИ АЙТАДИ: «БИЗНИ АСИРЛИК ДАРАЖАСИГА» ТУШИРАДИ (АСЛИДА ҲАМ ТУШДИК), «ЮЗ ЙИЛЛАР ИЛА КЕЙИН КЕТАРМИЗ» (70 ЙИЛ ЎТДИ), «АВЛОДИМИЗ ҲАМДА ХАЛҚИ ОЛАМ... РАҲМАТ ЎРНИҒА ЛАЪНАТ ЎҚУРЛАР», ЯЪНИ ОТА-БОБОЛАРНИ БИЗ УНЧАЛИК АЙБЛАМАСАК-ДА, УЛАРДАН ҲАМ ХАТО ЎТГАНИНИ АНГЛАЙМИЗ. БУ ХУЛОСАЛАР АҲЛИ ДОНИШЛАРГА ХОСДИР.**

> **«ҲУРРИЯТ» ГАЗЕТАСИДА ТИНИМСИЗ ЁЗГАН БЕҲБУДИЙ ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ҚОНГА БОТИРИЛГАНДАН СЎНГ АНЧА ФУРСАТ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА КЎРИНМАЙДИ. ТЎКИЛГАН ҚОНЛАР, ЯНГИ ЛИБОС КИЯЁТГАН МУСТАМЛАКАЧИЛИК УНИ ЯНА ТУШКУН АҲВОЛГА СОЛИБ ҚЎЯДИ. БУ ОРАДА «ҲУРРИЯТ» ГАЗЕТАСИ ҲАМ ЁПИЛИБ, УНИНГ ЎРНИДА «МЕҲНАТКАШЛАР ЎҚИ» *(БИР ОЗ ФУРСАТ ЎТГАЧ «ЎҚИ» СЎЗИ ЎРНИГА «ТОВУШИ»НИ ҚЎЙИШГАН)* ГАЗЕТАСИ ЧОП ЭТИЛА БОШЛАЙДИ. БУ ГАЗЕТАДА БЕҲБУДИЙНИНГ «АНЖУМАНИ МАОРИФ» ЖАМИЯТИДАГИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАБАРЛАР ЧОП ЭТИЛГАН. СИЁСАТ КУНДАН-КУН БОЛЬШЕВИКЛАР ТОМОНГА ЎЗГАРАВЕРГАН. УЛАР ДАВЛАТ ТУЗУМИНИ ЎЗГАРТИРИШДА, ЖУМЛАДАН, ФАРМОНЛАР БЕРИШДА ҲАМ ЖУДА ПАЛА-ПАРТИШ ИШ ЮРИТИШГАН.**

Беҳбудийнинг реалистлиги бунда яна иш берганини, яъни у шароитдан чиқиб кетиш, ҳеч бўлмаганда, халққа енгиллик яратиш йўлидан юрганини кўрамиз. Бироқ бу борадаги ишлари яхши натижа бермаган чоғи, газетада юрт учун зарур бўлган омиллар борасида, қилган ишлари хусусида якуний ахборот-ҳисобот мақоласи билан чиқади. «Ғалла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия» сарлавҳали каттагина бу мақолада Беҳбудий реалист бўлганига яна бир исбот бор.

Қўқон мухторияти тугатилгач, большевиклар ғалласи бор одамни бой санаб, барчасидан тортиб ола бошлайдилар. Халқ орасида норозилик кучаяди. Ким бундай буйруқни беряпти, деган саволга жавоб олиш ва бир қадар муҳитни яхшилаш учун Самарқанд мусулмон шўросига мурожаат қилади. Шўро ҳам *«ғалланинг забти ва қўлға олинишиға муқобил экан. Шунинг учун аввало маним фикримни эшитиб, фойдали билиб»* унга мандат беришади. У 1918 йил 16 июлда Тошкентга бориб, *«Туркистон ҳукуматининг раиси Тобулин афанди ҳузуриға»* киради.

*«Ва ушбу масалалар тўғрисида суйлашдук:*

*1. Ғалла. 2. Аскар олиш. 3. Тазминоти ҳарбия. 4. Ер ва сув масъаласи. Ҳозирги ҳукумат ва ҳам Туркистон мусулмонларининг нафъи нуқтаи назаридан юқоридаги масалалар хусусида эътидол ва осон йўлларни кўрсатиб, таклиф этдим ва ўзумни йигирма йиллик муҳаррирлик ва журналистлик ва 25 йил халқ ишиға аралашиб ва бир неча дафъа саёҳат этиб дунё ва мусулмон, хусусан, Туркистон мусулмонларининг тириклигига ҳосил этган тажрибам юзасиндин хулоса ва саломат ватан ва Туркистоннинг тинчлиги номиға бир хейла таклифотда бўлдум. Туркистон ҳозирги дохилий ва хорижий душманлар аҳволини ва халойиқнинг аҳволи руҳийя ва эътиқодия ва маишиясиға бир оз бўлса ҳам аҳамият бермак ва риоя қилмоқ кераклигини билдирдим. Тобулин афанди бу сўзларга аҳамият бергандек кўрунди»[1].*

Табиийки, Тоболин ўзини аҳамият бергандек кўрсатган, холос. Йўқса, Беҳбудий «кўрунди», деб ёзмаган бўларди. Мақолада у Тоболинга айтган тўрт масала бўйича таклифларини кенг асослаб ёзади. Бироқ бу таклифларда «Бойни ўлдир, ҳайда, ўрнига колхоз ташкил қил!» деган чақирик йўқ эди. Билъакс, масалан, ғаллани ҳар бир фуқаронинг ўз майдони ҳажмига қараб олиш ва энг асосийси, қон тўкмасдан, зўрлик қилмасдан, тинч йўл билан муаммони ечиш таклифи бор эди. Аскар масаласи, ҳарбийнинг таъминоти ва ер тақсимоти ҳақидаги таклифлари ҳам, шунингдек, маориф борасидаги, тил масаласидаги большевиклар тутаётган йўлнинг нотўғрилиги хусусидаги фикрлари большевиклар сиёсатига мос келмасди. Бу монополия масаласи эди.

Айни шу жараён ҳақида Садриддин Айний икки йил кейин шундай ёзади:

*«1918нчи йил монопулия масаласи чиқғонда бул зот Тошкандға бориб, ҳукумат арбоби билан кўрушди. Бу ишнинг Туркистонда кўп нотинчликларға сабаб бўлмоқ эҳтимолини англатди. Монопулия ўрниға Ҳиндистондин ҳукумат ҳисобиға қитти баҳо билан ғалла олмоқ лойиҳасини тақдим қилиб, қабул қилдурди. Агар муфти Маҳмудхўжанинг шахсий ташаббуси бўлмаса эди, 1919 йилда монопулия тўғрисиндаки Туркистонда турадиган фасодлар 1918нчи йилда ортиғи билан воқеъ бўлур эди. Маҳмудхўжа бу фасодни олдиндан кўрди, чора ҳам қилди»[2].*

Бироқ муфти Беҳбудий масалага шариат нуқтаи назаридан қарарди. Қолаверса, Беҳбудийнинг обрўси халқ орасида баланд эди. Уни саҳнадан осонликча олиб бўлмасди. Шунинг учун уни Эрон ва Афғонистон давлатларига консул қилиб юбориш масаласи қўйилади. Кейинроқ Туркистон маорифи комиссарлигини қабул қилиши учун телеграф орқали таклиф этишади. Беҳбудийга таклиф этилаётган бу икки мансаб ҳам асосий сиёсий ишлардан анча йироқ эди. Большевиклар Беҳбудийдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, иккинчи томондан уни носиёсий ишларга кўмиб ташламоқчи бўлдилар. Бироқ бу таклифларнинг иккисига ҳам Беҳбудий рад жавобини берди. Бу раддияни 1918 йил 27 август куни «Меҳнаткашлар товуши» газетасида ўқишимиз мумкин. «Ташаккур ва эътизор» сарлавҳали бу фиқраси ҳам қисқалигига қарамасдан, давр нафасини, ўзининг кайфиятини муайян маънода очиб беради. У ҳақда яна бошқа фикрларни айтишдан аввал раддияни кўздан кечирсак, айни муддао бўлади.

*«Каминани Самарқанд маориф комиссарлигига Самарқанд мусулмон шўроси сайлаб эди, баёни узр этдик. Қабул қилинмади, – деб ёзади Беҳбудий. – Бир неча вақт қўлимдан келганча ишладим. Мактаблар тўғрисинда баъзи лойиҳалар ёзиб топшурдим. Охири безгак ва оёқ оғруғи ва ҳам йилнинг қимматчилиги важъидан, рўзғор ва деҳқончилик ишларим кўблиги ва бошқа бир неча сабаблардин комиссарликдан истеъфо бердим. Яна қабул қилинмади.*

*Шунинг устинда Тошканддин телеграф билан муҳтарам Мусулмон маориф комиссарлигини қабул этишимға таклиф этибдурларки, манга этган эътимод ва чин занлариға қат-қат ташаккур ва қурултойға арзи эҳтиром этгандин сўнгра касал ва нохушлигимни узр мақоминда ожизона баён этиб, маъзуратимизнинг қабул этилмагини ражо этаман».*

Нега Беҳбудий ўз истеъфосини газетада эълон қилди? Истеъфо ўша комиссарлик ёки жамиятга берилса, кифоя эди-ку! Бу Беҳбудийнинг намойишкорона норозилиги эди!

1919 йили қайтадан талон-торож бошланди. Бу ҳақда Садриддин Айний айтмоқчи, *«Самарқандға кўб талон-торожлар бошланди, ноҳақ ҳибслар кўпайди. Катта тазминотларға халқ дош беролмасдан ер ва юртларини ташлаб қочдилар. Маориф иши ниҳоят даражада тазйиқға тушди. Халқнинг ҳиссиёти динияси таҳқир қилинди. Бу ишларга бирор чора тополурманми, деб Маҳмудхўжа 1919 йил феврал ойинда Тошкандға борди. Лекин бу сафаридин ҳеч бир натижа қўлға киргузолмади. Шундан сўнгра ҳеч бир кишиға англатмасдан маслакдош ва фикрдошлари мулла Мардонқул Шоҳмуҳаммад ўғли, Муҳаммадқули Ўрунбой ўғли билан 25нчи март ойинда асрорангиз суратда Самарқанддан ғойиб бўлди»[3].*

Беҳбудий публицистикасининг якуни Туркистоннинг қайта босиб олиниши жараёни билан боғлиқдир.

Беҳбудийнинг сиёсий публицистикаси юрт озодлиги учун курашга бағишлангандир. Публицист имкони даражасида ҳаракатда бўлди, ёзди, халқни ватанпарварликка, бирликка, маърифатга чорлади. Унинг ўгитлари бугунги кунда ҳам жуда муҳимдир, айниқса, Туркистон бирлиги борасидаги фикрлари, амалий фаолияти унутилмасдир.



**Ҳалим САИДОВ,**
*филология фанлари доктори, профессор*

---

[1] «Меҳнаткашлар товуши». 1918 йил, 21 август.
[2] «Меҳнаткашлар товуши». 1920 йил, 8 апрель.
[3] «Меҳнаткашлар товуши». 1920 йил, 8 апрель.

Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



*Боғда булбул сайрайди чаман ичра,*
*Шом бўлганга ўхшайди чаман ичра,*
*Юрагим шиғиллайди чаман ичра, боғ ичра*
*Ёр келганга ўхшайди чаман ичра,*
*Ёр келганга ўхшайди чаман ичра.*

Ҳалима Носирова ижросида
*«Чаман ичра»* Халқ қўшиғи

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

*2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.*

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay'ati raisi)*, Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari)*,

Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»)*,

Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** S. Abdurahmonov

**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 00:50
**Topshirildi –** 01:20

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 32 360 та**
**Shundan:**
**6 263 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
**18 231 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
**7 866 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma G-111**

1 2 3 4 5 6